

Касби ш.

«Ўзбектелеком» АКнинг Кашкадарё филиали номидан бундан буён «Оператор» деб аталувчи,
Ўзбектелеком» АК Кашкадарё филиали

(операторнинг номланиши)

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги
(лицензия берган ташкилотнинг номи)

томонидан берилган лицензия ва низом асосида фаолият кўрсатувчи

Касби телекоммуникация боғламаси бошлиги З.Ақбаев.

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

Юридик шахс.	
Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот номи:	<u>Касби туман ДСВ</u>
Манзили:	<u>Касби туман музоми Исофармаса йўлининг 6-йўли</u>
Раҳбар:	<u>Ахмедов Абдураҳмон Раҳмонович</u>

бундан кейин «Абонент» деб номланувчи иккинчи томондан куйидаги шартномани шу ҳақда туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан маблағ олувчи ташкилотига кўрсатилган алоқа хизматлари учун куйидаги график асосида ҳақ тўлашни уз зимасига олади Жумладан:

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йил (сумда)
2022 йил Бюджет хисобидан	<u>300000</u>	—	—	—	<u>300000</u>
Жами:	<u>300000</u>	—	—	—	<u>300000</u>

Жами 2021 йилда :

1.3. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчи ва хизмат ҳақини туловчилар томонидан узаро келишилган ҳолда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлик суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга қўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, велеотекс ва ҳоказолар)нинг охириги ускуналарини шартномага қўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқа хизматларини кўрсатиш коидалари»да белгилаб берилган бошқа бир катор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейинги қисмда «Қоидалар»).

2.1.7. Оператор кўрсатилган хизматлар ҳисоб-варақ фактураларини ҳар ойда бюджет ташкилотига тақдим этиб бориш мажбуриятини олади.

2.2. Операторнинг ҳуқуқлари:

2.2.1. Янги телефон станциялари ишга тушиши ва телефон тармоқлари реконструкция қилиниши муносабати билан амалдаги «Қоидалар»га мувофиқ Абонентнинг рухсатсиз, аммо унга ўз вақтида хабар берган ҳолда, телефон рақамини бепул ўзгартириб қўйиш.

2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузайтиргич, ПК, АОН ва бошқалар)ни ўчиртиришни операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиш.

2.2.3. Қуйидаги ҳолларда абонент ускунасини телефон тармоғига уланишини тўхтатиш:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан алоқа хизматлари тўловлари тўланмаганда (бунда телефон алоқасини узиш ҳақида абонент камида 3 кун олдин телефон билан огоҳлантирилиши зарур);

- абонент томонидан охириги қурилмаларни ишлатиш коидалари бузилганда ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига ҳалақит берган ҳолларда;

- 3.7.-банд бузилганда, оператор техник комиссиясининг далолатномаси тузилиб, бузилишлар бартараф этилгунга қадар.

Шартномани қайта тиклаш ва охириги қурилмаларни улаш белгиланган тартибда, камчиликлар тузатиб бўлингандан сўнг ва Абонент томонидан маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон алоқасининг телекоммуникациялар хизматлари учун ҳақ тўлангандан кейин амалга оширилади (алоқа хизматларидан фойдаланиш тўхтатиб қўйилган муддат ҳам қиради).

2.2.4. Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида телефон алоқаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ёки 3.7.-бандларни бузишга йўл қўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.2.5. Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир катор ҳуқуқларга ҳам эга.

3. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ҳар чоракда камида 1 марта Оператор билан ўзаро ҳисоб-китобларни аниқлаш мақсадида солиштириш далолатномаси тузиш.

3.2. Оператор ҳисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй телефон симлари ва бошқа ускуналарни ишга яроқли ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофиқ бўлишини таъминлаш.

3.3. Алоқа бузилишлари ҳақида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.

3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичида ёзма равишда, санасини кўрсатган ҳолда Операторга хабар қилиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарнома қайта расмийлаштириш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор қилинадиган бўлса, телефон алоқаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул қайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидаги қарзларини узишини назорат қилади ва қарзлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб ҳисобланади.

3.5. Абонентнинг алоқа «Қоидалар»ини қай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиштирилган, корхона муҳри босилган, амал қилиш муддати кўрсатилган гувоҳномага эга бўлса) бинога киришга рухсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.

3.6. Абонент ускунасида пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва хоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоида»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган тақдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар тақдорланганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

3.7. Фақат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиқлик сертификати бўлмаган, телефон рақамини автоматик аниқлаш ускунаси (АОН)дан фойдаланмаслик.

3.8. Абонент телефонларидан ва бошқа охириги қурилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлиқ 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.

3.9. Абонентлик қурилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъқиқланади. Бу қурилмаларни улаш операторга маълум қилиниб, мувофиқлик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган қурилманинг уланиш вақтини аниқлаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ҳисоблаб ундирилади.

Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт қувватли симсиз телефонлар бундан мустасно) абонент қурилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу қурилмалардан фойдаланишга рухсатнома олинishi зарур.

3.10. Телекоммуникация тармоқлари иш сифатини пасайтиришга ёки уларни шикастланишига қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги зарур.

3.11. Абонент «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир катор мажбуриятларга ҳам эга.

3.12. Абонент кўрсатилган хизматлар ҳақини тулаш учун «Туловчига» ҳар ойда ҳисоб-варақ фактуралар нусхасини етказиб боради.

- 3.13. Абонент факатгина харажатлар сметасида алоқа хизматлари учун 2022 йилда ажратилган маблаглар доирасида шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган (бюджет хисобидан) туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.
- 3.14. Абонент томонидан бюджетдан маблаг олувчига кўрсатиладиган телефон алоқаси хизматларига қонунчилик асосида белгилаб бериладиган Ўзбекистон Республикасида амалдаги тарифлар бўйича ҳақ тўланади.
- 3.15. Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, нақд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида қўзда тутилган маблаглар доирасидан чиқмаган ҳолда мазкур шартноманинг 1.2. бандидаги бюджет хисобидан туланидиган қаторида кўрсатилган сумма асосида ҳар чоракнинг учдан бир қисми доирасида ойма – ой туловни амалга оширади.

4. ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ

- 4.1. Абонент смета харажати маблаглари доирасида шартноманинг 1.2 бандига биноан ҳар ойнинг 15-санасигача жорий ой учун олдиндан 100% тулов топшириқномасига асосан хизмат ҳақини тўлайди, сметада ажратилган маблаглардан ортиқча кўрсатилган хизмат учун бюджет ташкилоти узининг махсус ҳисоб-рақамидан туланиши уз зимасига олади.
- 4.2. Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун тўловлар:
- олдиндан тўлов (бунақ) йўли билан амалга оширилади.
- 4.3. Олдиндан бунақ тариқасидаги тўловлар қаида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин.
- 4.4. Телефон алоқаси хизматлари учун олдиндан тўланган бунақ суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан қуйидаги кетма-кетликда тақсимланиб тўланади:
- абонентлик тўлови ва қўшимча хизмат турлари;
 - ҳисоблагичлар;
 - шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар.
- Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича ҳисоб-китоблар бунақ суммаси туғагунга қалар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).
- 4.5. Маҳаллий сўзлашувлар (вақтбай асосида тўлов тизими жорий этилганда), шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланганлиги учун тўлов ҳисоб варағига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар ҳам шунга қиради), ҳисоб варағида кўрсатилган санадан бошлаб 3 банк куни ичида амалга оширилади.
- 4.5.1. Ҳисоб-китоб қилинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-варақ фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган тақдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб қўйилади.
- 4.5.2. Абонент хоҳишига кўра оператор шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл ҳолати)да бериши мумкин.
- 4.5.3. Абонент шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такрорий сўраган ҳолларда ундан қўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл ҳолати)да бўлса 100 сўм (ҳар бир компьютер варағи учун) олинади. Мазкур тўловлар алоқа хизматлари тарифлари ўзгарганида қайта кўриб чиқилади.
- 4.6. Белгиланган муддатда алоқа хизматлари тўловлари тўланмаса, телефон ўчириб қўйилади, бунда оператор шартномани бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ қарзларни ундириш ҳуқуқига эга.
- Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб қўйилган вақт учун қарзларини тўламаса, Оператор «Абонент» билан келишилган ҳолда шартномани бекор қилиш ва қарзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қайтадан телефон ёки бошқа охириги қурилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тўловлар амалга оширилгач амалга оширилади.
- 4.7. Агар абонент тўланиши лозим бўлган пул миқдорига, сўзлашув вақти ва бу сўзлашув унинг телефонига тегишли эканлигига норози бўлса, у ҳисоб варағини олгандан сўнг 30 кун давомида раддия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътирозлар қабул қилинмайди. Текширув натижалари Абонентни қаноатлантирмаса судга мурожаат қилиши мумкин.
- 4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга чиқиш коди(8)сиз ишлатиб қўйилади.
- 4.9. Ҳар ойнинг 1-чи куни ҳолатида дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» қарздорлик суммасининг 0,1% миқдоридан тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун, бу қарздорлик тўлиқ ундириб олингунча қадар пеня ҳисоблайди.
- 4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошқа охириги қурилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлиқ миқдорда ундириб олинади.
- 4.11. Халқаро ва шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланилганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти сўзлашув бошланган вақтдан ҳисобга олинади. Телефонга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, рақамни аниқловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб ҳисобга олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Низоларни ҳал этиш чоғида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар.
- 5.2. Томонлар ўзаро келиша олмаган ҳолларда, низолар иқтисодий суд судида ҳал этилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган тақдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг жавобгарликлари кўриб чиқилади.

7.ФОРС-МАЖОР

7.1.Томонларнинг хошиш-истагига мутлако боғлиқ бўлмаган ҳолларда (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, ҳукумат чора-тадбирлари, ҳокимият идоралари қарорлари, ҳарбий тўқнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этиб бўлингунга қадар кейинга сурилади.

7.2.Форс-мажор ҳолатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдиқланган тегишли ҳужжатини тақдим этиши керак.

8.ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча Битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

8.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, «Қондалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома 24 01 2022 йилдан кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь гача амалда бўлади.

9.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;

- томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

9.3. Мазкур шартнома уч нусхата тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

10.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«Ўзбектелеком» АК Қашқадарё филиали
Касби телекоммуникация боғламаси
Манзили: Касби туман маркази
Тел/факс: 756421479
х/р: 20210000604074838389
Банк номи: АТ Алока банк тош ш
МФО: 00401 ИНН:203366731
ОКОНХ: 52300

Раҳбар: З.Ақбаев

(Ф.И.Ш)



(ИМЗО)

М.У

«Бўйортмачи»

Қасби туман ФСН
Манзили: Қасби туман маркази
Тел/факс: 75-642-20-22
ш/хр: 100070860102377011332093 01
Банк номи: УВ Ҳазратимолчи МБ Тош. ш
МФО: 00014 ИНН: 200700112
ОКОНХ: 97150
Ҳазначилик х/б: 23403000300100001010
Банкнинг номи: Ҳазратимолчи ш. МБ
МФО: 00014
Ҳазначилик бўлими асн СТИР: 20/122919
Раҳбар Др. Абдуллоев Абдуллоев

(Ф.И.Ш)

(ИМЗО)

М.У



Юридик ҳулоса:

Қасби туман ФСН

«Ўзбектелеком» АК Қашқадарё филиали ҳамда Қасби туман ФСН ташкилоти ўртасида
жами: 300000 суммасида тузилган алоқа хизмати кўрсатиш бўйича 2022 йил « » даги
тузилган шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг
шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» даги Қонун ва Фуқаролик кодекси талаблари асосида тузилган.
-Шартнома талаблари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида жавоб беради.
-Шартнома мажбуриятлари бўзиш ҳолатлари бўйича жавобгарлик ва низоларни ҳал этиш чоралари амалдаги қонун

Ушбу ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси



Ижрочи: М.Рўзиёв

Телефон: 99 599-55-57, 75642-14-79